Куч — адолатда

2014 йил
17 январь,
жума
№ 3 (464)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, миллат генофондини соғломлаштириш, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт, деган даъват умуммиллий шиорга айланди.

Ўтган йиллар давомида бу олижаноб мақсад йўлида улкан ишлар амалга оширилганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом улғайиши учун шароит яратиш йўлида катта куч ва маблағлар йўналтирилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, таълим тизимини такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби соҳалардаги изчил ислоҳотлар бир-бирини тўлдириб, узвий тизим шаклини олди. Бугун замонавий тиббий марказлар, таълим муассасалари, спорт иншоотлари ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.



СОҒЛОМ КЕЛАЖАК АСОСИ

Бу борадаги кенг кўламли саъй-ҳаракатлар самараси фарзандларимизнинг саломатлигида, жисмоний кўрсаткичларида ҳам намоён бўлмоқда. Болаларимиз ўртасида ўткир респиратор вирусли инфекциялар, пневмония, бронхит, сколиоз билан касалланиш ҳолатлари кескин камаймоқда.

Президентимизнинг ташаббуси билан 2014 йилни «Соғлом бола йили» деб номланиши истиқлол йиллари жисмонан ва маънан баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

(Давоми иккинчи бетда)

Yangi qonun mohiyati

Васийлик ва ҳомийлик

бу борадаги қонунчилик асослари янада такомиллаштирилди

Мамлакатимизда жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини янада оширишга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида 2012 йил 27 февралда давлатимиз раҳбарининг "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди.

Мазкур қарорга асосан "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тасдиқланди ва ўз навбатида, "Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор" деган инсонпарвар тамойилдан келиб чиққан ҳолда, Давлат дастурини амалга оширишнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди.

Ушбу муҳим йўналишлар орасида бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларига оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳам назарда тутилди. Шу асосида "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қонун ишлаб чиқилиб, 2014 йил 3 январда матбуотда эълон қилинди.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Жиноятчиликка қарши курашиш

унинг замонавий усуллари қонунчилик асосида янада такомиллаштирилмоқда

Бугунги глобаллашув, тезкор давр ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидан жиноятчиликка қарши курашишнинг замонавий услубларини амалий фаолиятга кенг жорий этишни тақозо этади. Шу боис соҳада замонавий технологиялардан фойдаланиш кўлами кенгайиб бормоқда. Бу ҳар қандай жиноятни фош этиш ва тергов қилишда ҳамда жиноий қилмиш содир этган шахслар терговдан яширинган тақдирда уларни излаб топиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, генетик экспертиза методи билан далилларни тўплаш жаҳон амалиётида ўзининг юқори самарадорлигини кўрсатмоқда.

Айтиш керакки, юртимизда бу масалаларни қонун йўли билан тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган "2012-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номли Республика суд экспертизаси марказини ривожлантириш дастури"нинг 1-бандига мувофиқ "Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

(Давоми учинчи бетда)

Islohot va samara

Апелляция инстанцияси

амалда фуқароларнинг ҳуқуқларини кафолатли ҳимоялашга хизмат қилмоқда

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан олиб борилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар самараси ўлароқ суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини таъминлашга хизмат қиладиган кассация инстанцияси тубдан ислоҳ қилинди ва иш юритишнинг апелляция тартиби жорий этилди.

Айтиш керакки, апелляция инстанцияси суди қонунда белгиланган ваколатлар доирасида биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорларини шикоят (протест) бўйича қайта кўриб чиқиш ваколатига эга.

Ушбу қоидага асосан, апелляция инстанцияси суди агар биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини қонунга мувофиқ, деб топган тақдирда, уни ўзгаришсиз қолдиришга, берилган шикоят ёки келтирилган протестни қаноатлантирмасликка ҳақли.

Фуқаролик процессуал кодексининг 343-моддасига кўра, фуқаролик иши бўйича чиқарилган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини апелляция тартибида кўришда, суд иш юзасидан тўпланган далиллар етарли деган хулосага келган, аммо қуйи суд томонидан ҳал қилув қарорини чиқаришда айрим камчиликларга, масалан, моддий ҳуқуқ нормаларини татбиқ қилишда хатога йўл қўйилган бўлса ва бу камчиликларни бартараф этиш учун шу судда барча асослар мавжудлигини аниқласа, суд ишни қайта кўриш учун юбормасдан янги ҳал қилув қарори чиқаришга ҳақли.

Янги ҳал қилув қарорини чиқариш деганда, апелляция инстанцияси суди томонидан қуйи судларнинг фуқаролик иши юзасидан чиқарган ҳал қилув қарорига нисбатан мутлақо янги қарор чиқарилиши тушунилади.

(Давоми иккинчи бетда)

Тадбиркорлар маҳсулоти – хорижга

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолияти ҳақида

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг чуқур ўйланган ва аниқ мақсадга йўналтирилган дастурларининг изчиллик билан амалга оширилаётгани мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланишида муҳим омил бўлмоқда.

Эришилаётган юксак натижаларда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар муҳим омил бўлаётир. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 25 августда қабул қилинган "Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори тадбиркорларни ортиқча оворагарчиликдан халос этиш ва маҳсулотларини экспортга чиқариш борасида кенг имкониятлар яратмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Mezon

Қоидага риоя этиш хавфсизлик кафолати

Ҳаётда ҳар бир ишда қонун талабига қатъий риоя этиш муваффақият гарови саналгани каби автомашина бошқаришда, йўлларда хоҳ йўловчи, хоҳ пиёда сифатида ҳаракатланишда ҳам белгиланган йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш турли кўнгилсизликларнинг олдини олади. Зотан, ҳайдовчининг ҳам, пиёданинг ҳам, йўловчиларнинг ҳам йўлларда ҳаракатланиш қоидалари бор.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Жумладан, аҳолининг соғлиғи, бандлиги ва меҳнат ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Fuqarolik qonunchiligi

Ижтимоий ҳимоя тизими

фуқаролар манфаатини таъминлашга хизмат қилмоқда

Айтиш керакки, Конституциямизнинг 39-моддасида эътироф этилганидек, ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

(Давоми тўртинчи бетда)

Тадбиркорлар маҳсулоти – хорижга

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, 2011 йил 1 октябрдан экспортга етказиб бериш билан боғлиқ ҳужжатларнинг божхона расмийлаштируви, декларациялаш, сертификатлаштириш, санитария-эпидемиология назорати жараёнлари "бир дарча" тамойили асосида амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг жаҳон бозорига чиқишида кўмаклашувчи компания ва жамғармаларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 8 августда қабул қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси улардан биридир.

Жамғарма кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликларига экспорт шартномалари тузиш, янги бозорларга чиқиш ва маҳсулотларни экспорт қилиш, чет эллардаги кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиши учун молиявий ёрдам кўрсатиш, рақобатбардош товарларни жаҳон бозорига етказиш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти ва ташқи савдодаги улушини янада кўпайтиришда фаол иш олиб бормоқда.

Қарорда жамғарма ташқи иқтисодий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатишдан халқаро амалиётда умумқабул қилинган миқдорларда — шартнома қийматининг 3 фоизигача бўлган комиссион ажратмалар ҳисобидан даромад олиши белгиланган. 2019 йилнинг 1 январига қадар барча турдаги солиқлар, йиғимлар, бож ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган.

Навоий, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Наманган, Хоразм, Бухоро, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида жамғарманинг филиаллари иш бошлади. Кичик бизнес субъектларига жамғарманинг асосий мақсад ва вазифалари, кўрсатиладиган хизмат турларини кенг миқёсда тушунтириш учун Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги филиалларида тадбиркорлар учун бурчаклар ташкил этилди.

— Тадбиркорлар бизга мурожаат қилиб, ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулот, унинг йиллик миқдори, нархи, турини кўрсатади, — дейди Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори вазифасини бажарувчи Жаҳонгир Мустафоев. — Биз ушбу маълумотлар асосида чет эллик харидорларга тегишли тижорат таклифларини жўнатамиз. Ташқи бозорда харидор топилгач, маҳсулот намуналари юборилади. Экспорт билан боғлиқ маркетинг тадқиқотлари олиб бориш, шартномалар тузиш, ҳисоб-китоб қилиш, божхона рўйхатидан ўтказиш ва юкни жўнатиш каби барча жараёнда тадбиркорларга яқиндан ёрдам берилади.

Ўтган давр мобайнида жамғарма томонидан бир юз элликдан ортиқ тадбиркорлик субъектига ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий хизматлар, шу жумладан, маҳсулотни экспорт қилишда зарур бўладиган сертификат ва лицензиялар олишда, шартномаларни рўйхатга қўйиш, хорижий ҳамкорларни топишда амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада 56,4 миллион АҚШ доллари миқдорида экспорт шартномалари тузилди. Мисол учун ип-калава ишлаб чиқарувчи "Зартола текстиль", қизилмия илдизидан сироплар тайёрловчи "Dae Yong Licoris" қўшма корхонасига, тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Асклепий-свифт", қандолат тайёрловчи "Sarskaya sladosti" масъулияти чекланган жамиятларига экспорт шартномаси тузишда кўмаклашилди.

Тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятини аниқлаш мақсадида олиб борилган маркетинг ишлари натижасида бугунги кунда дунёнинг икки юзга яқин мамлакатида 48 турдаги маҳсулот ва 15 хизмат турига эҳтиёж мавжудлиги аниқланди. Кимё, текстиль, озиқ-овқат, машинасозлик, мебель, қурилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, туризм, ахборот технологиялари, транспорт, молия хизматлари шулар сирасидандир.

Жамғарма маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг тижорат таклифларини хорижий ҳамкорларга етказиш ва уларнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида жойлардаги 14 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти маҳсулотларининг ташқи бозордаги рақобатдошлик даражасини аниқлади. Таҳлилларга кўра, 2014 йилда уларнинг 1 минг 600 дан ортиғи экспорт қилиш салоҳиятига эга. Юздан зиёд кичик бизнес вакилига ҳамкорлар топишда, икки юздан ортиғига экспорт шартномалари тузиш, банкларда рўйхатга қўйиш ва суғурта полислари, лицензия, сертификат ҳамда бошқа рухсатномаларни олишда, етмишга яқинига хорижий кўргазма ва ярмаркаларда қатнашишда амалий кўмак кўрсатиш мўлжалланмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ишончли ҳамкорлар топиш мақсадида жамғарма олтмишга яқин хорижий ташкилот билан ҳамкорлик қилмоқда. Ташқи бозордаги харидорларни мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти билан яқиндан таништириш учун кичик бизнес вакиллари халқаро савдо-саноат кўргазма-ярмаркаларида фаол иштирок этмоқда. Хусусан, 2013 йил 18-22 ноябрь кунлари Москва шаҳрида ўтказилган "Мебель, фурнитура ва қопламали материаллар" халқаро кўргазмасида юртимиздаги ўнга яқин мебель ишлаб чиқарувчи корхона ўз маҳсулотларини намойиш этиб, чет эллик ҳамкорлар билан шартномалар тузди.

2014 йилда 400 га яқин тадбиркорга маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш, шартномалар тузиш, экспорт операцияларини амалга ошириш, экспорт қилувчиларни эҳтиёжли бўлган турли хавф-хатарлардан ишончли ҳимоялаш, маҳаллий тадбиркорларнинг хорижий кўргазма ва ярмаркаларда иштирокини таъминлаш назарда тутилган. Хусусан, апрель ойида Хитойда ўтказиладиган "Буюк ипак йўли" халқаро саноат маҳсулотлари кўргазмасида мамлакатимиз тадбиркорлари иштирокини таъминлаш учун ушбу давлатнинг Northwest Central Asia Business Co. LTD компанияси билан шартнома имзоланди.

Жорий йилда юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатиш орқали 583 миллион доллар миқдорида экспорт шартномаси тузиш мақсадида корхоналарда сифат менежменти тизимлари (СМТ)ни жорий этиш чоралари кўрилмоқда. "Ўзстандарт" агентлиги билан ҳамкорликда ҳудудлардаги бир қатор корхоналар фаолияти ўрганилиб, истиқболли корхоналар аниқланди. 2014 йилда ишлаб чиқариш корхоналарида жамғарма молиявий кўмагида халқаро стандартларга асосан СМТни босқичма-босқич жорий этиш режалаштирилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси 2014 йилда экспорт билан шуғулланувчи корхоналар ва маҳсулот турларини кўпайтириш мақсадида тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликни янада фаол олиб боради. Бу мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

2014-yil — Sog'lom bola yili

Соғлом келажак асоси



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Юртимизда тиббий-ижтимоий соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар аҳоли, жумладан, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини оширишда дастуриламал бўлаётир. Бирламчи тиббий-профилактика муассасалари, ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология, педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказлари, перинатал, репродуктив саломатлик марказлари, ҳудудларда болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари томонидан бу йўналишда аҳолига кенг кўламли тиббий хизмат кўрсатилаётир.

Бундай чора-тадбирлар самарасида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом болалар кўрсаткичини оширишга эришилмоқда.

— 2001 йилда иш бошлаган "Она ва бола" скрининг маркази "Соғлом она — соғлом бола" концепцияси асосида аҳолига намунали тиббий-генетик хизмат кўрсатиб келмоқда, — дейди Наманган вилояти "Она ва бола" скрининг маркази мудири Насиба Расулова. — Ирсий касалликлар ва туғма нуқсонларни эрта аниқлаш ва уларни ўз вақтида бартараф этиш ҳамда соғломлаштириш бўйича сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун марказда барча зарур шароитлар яратилган. Марказнинг маслаҳат бўлимида шифокор-генетик, эндокринолог, акушер-гинеколог, невропатолог, психоневролог, диетолог, педагог-дефектолог, лаборатория бўлимида эса, неонатал, пренатал, селектив, цитогенетика мутахассислари аҳолига малакали хизмат кўрсатмоқда. Юқори технологияли тиббиёт ускуналари ва малакали мутахассислар ёрдамида неонатал, пренатал скрининг ва тиббий генетик хизмат кўрсатиш каби йўналишларда амалиётлар ўтказилаётир. Натижада туғма ногирон болалар туғилиши кўрсаткичи 2012 йилга нисбатан сезиларли даражада камайди.

Мамлакатимизда ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялаш, жамиятда соғлом муҳитни қарор топтиришнинг асосий воситаси сифатида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча ҳудудларда, хусусан, чекка қишлоқларда бунёд этилаётган замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Эътиборлиси, бу жараён таълим-тарбия тизими билан мутаносиб равишда олиб борилаётир.

Жиззах вилояти Арнасой туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг биноси тўлиқ қайта реконструкция қилинди. Бу ишларга Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1 миллиард 751 миллион сўм сарфланди.

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида жойлашган 24-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ташкил этилган футбол, баскетбол, бокс, эркин кураш ва бадиий гимнастика секцияларида 500 нафардан зиёд ўғил-қиз мунтазам шуғулланмоқда. Қизларни спортга жалб этишда ҳам юқори кўрсаткичларга эришилмоқда.

— Спорт билан мунтазам шуғулланадиган бола жисмонан соғлом, бақувват, айни пайтда мустақил фикрлайдиган, ўзига ишонган, интилувчан, тартиб-интизомли бўлади, турли салбий иллатлардан йироқ юради, — дейди ушбу мактаб директори Ҳасан Дуйсебоев. — Бугунги кунда болалар, айниқса, ота-оналарнинг спортга муносабати тубдан ўзгарди. Эндиликда ота-оналар ўз фарзандининг спорт билан шуғулланишини келажагининг мустаҳкам пойдевори сифатида қарамоқда. Мактабимизда спорт билан шуғулланувчи ўғил-қизлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётгани ҳам бунинг амалий тасдиғидир.

Мактабда ўғил-қизларнинг ўзлари қизиққан спорт тури сирларини пухта ўзлаштириши учун барча шароит яратилган. Ўтган йили мактабга Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан қўшимча спорт анжомлари берилгани машғулотларни янада юқори савияда ташкил этиш имконини оширди.

Бу масканда болалар йилига икки марта тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг саломатлиги, жисмоний ва руҳий ҳолати қайд этиб борилади. Ўтган йилги тиббий кўрик натижалари ўғил-қизларнинг бўйи ўсгани, вазни меъёрлашганини кўрсатди. Спорт билан мунтазам шуғулланаётган болалар тез-тез учраб турадиган касалликларга чалинмаётгани ота-оналарни хушнуд этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ҳар қандай жамият соғлом ва баркамол, эл-юртига садоқатли, иймон-эътиқодли фарзандлари билан фахрланади, уларга суянади. Шундай фазилатларга эга авлодни тарбиялаб вояга етказган халқ келажакка катта ишонч билан қарайди. Соғлом бола йилида мамлакатимизда амалга ошириладиган ишлар ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Муаттархон РЎЗИБОЕВА

Islohot va samara

Апелляция инстанцияси

амалда фуқароларнинг ҳуқуқларини кафолатли ҳимоялашга хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Апелляция инстанция суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартиришга ҳақли эканлиги тўғрисидаги қоидага кўра, суд ушбу босқичда ишни кўришда даъво предмети, унинг миқдори, ижро қилиш тартиби, давлат божи тўлаш, ижро суммасини бўлиб-бўлиб тўлаш сингари ўзгартиришлар киритиши мумкин.

Бундан ташқари апелляция инстанция суди Фуқаролик процессуал кодексининг 213 ва 215-моддаларига кўра, аниқланган иш ҳолатларидан келиб чиқиб, ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки янги ҳал қилув қарори чиқариш ҳақидаги ажримда йўл қўйилган арифметик хатони тузатиш, шунингдек, ушбу ажрим тушунарли бўлмаса, уни қўшимча ажримда тушунтириш ҳуқуқига эга.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, даъвогар Дониёр Саманқулов (исм-шарифлар ўзгартирилган) жавобгар Қўшработ тумани қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежига нисбатан ишга тиклаш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро суди 2013 йил 24 сентябрда даъвогарнинг даъво талабини қисман қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Аммо биринчи инстанция суди ушбу фуқаролик ишини кўришда Д.Саманқуловнинг ишга тиклаш бўйича судга мурожаат қилиш муддатини асоссиз равишда ўтказиб юборганлик ҳолатига эътибор қаратмаган. Шу сабабли фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди апелляция инстанциясининг 2013 йил 12 ноябрдаги ажрими билан фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилинди ва даъвогарнинг даъво талабларини рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, апелляция институти суд хатоларини ўз вақтида тузатиш имконини беради ва бу ўз навбатида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

Жасуриддин АБДУСАТТАРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг судьяси

Mezon

Қоидага риоя этиш

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бундан ташқари йўл ҳаракатининг бир эмас, юзлаб, минглаб иштирокчиси бор, бинобарин, бир кишининг қонун талабини бузиши айбсиз кишиларга ҳам зарар келтириши мумкин. Чунончи, транспорт воситасини белгиланганидан юқори тезликда ёки маст ҳолатда ёхуд йўл белгиларига амал қилмасдан бошқариш турли йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилишига сабаб бўлиши ҳеч гап эмас.

Шу ўринда яна шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ этиш жараёнида транспорт воситаларини бошқариш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар ҳам изчиллик билан такомиллаштириб келинмоқда. Бу фикрнинг исботини 2011 йилнинг 26 апрелидан амалга киритилган **"Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонун мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ушбу қонун асосида амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг ўттизга яқин моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши амалдаги йўл ҳаракати хавфсизлигининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга, шу аснода фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини асрашга, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Энди фикримизни судларда мазмунан кўрилган транспорт воситалари билан боғлиқ маъмурий ишлар мисолида давом эттирсак.

А.Раҳмонов муқаддам ўзининг "Дамас" русумли автомашинасини бошқариб бораётиб йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмагани туфайли уч марта йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан жаримага тортилган. Аммо у бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. Ўтган йилнинг 6 июль куни у шахсий автомашинасида Сирдарё вилояти ҳудудида йўл ҳаракати қоидалари талабини қўпол равишда бузди.

Судда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128-моддаси 4-қисмига асосан А.Раҳмоновга нисбатан тўпланган маъмурий иш кўрилаётганда ҳуқуқбузар Йўл ҳаракати қоидалари талабларини бузганлигини тан олди. У айбига иқрор эканлигини ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдирди. Бундан ташқари ҳуқуқбузарнинг айби йўл-патруль хизмати ходимининг маъмурий баённомаси, ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотнома ва маъмурий ишда тўпланган бошқа ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топган.

Суд А.Раҳмоновни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128-моддаси 4-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топди ва олти ой муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида қарор чиқарди.

Yangi qonun mohiyati

Васийлик ва ҳомийлик

бу борадаги қонунчилик асослари янада такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш керакки, **"Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"**ги қонун миллий қонунчилигимизнинг илғор тажрибаси ҳамда замонавий халқаро ҳуқуқий меъёрлар уйғунлигига асосланган 9 боб ва 50 моддадан иборат бўлиб, унинг асосий мақсади — васийлик ва ҳомийлик борасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Шу ўринда "васийлик" ва "ҳомийлик" тушунчаларига ойдинлик киритадиган бўлсак, "васийлик" деганда, ўн тўрт ёшга тўлмаган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли тушунилади.

"Ҳомийлик" дейилганда эса, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек, суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли тушунилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу янги қонуннинг 2-бобида васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ҳамда уларнинг ваколатлари белгилаб қўйилган. Хусусан, қонуннинг 7-моддасига кўра, бу соҳадаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари жумласига Вазирлар Маҳкамаси, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари киритилди.

Васийлик ва ҳомийлик бўйича фаолият туман, шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари томонидан — вояга етмаганларга нисбатан; туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари томонидан — суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларга нисбатан; туман, шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан - соғлиғининг ҳолатига кўра, ҳомийликка муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга нисбатан амалга оширилади.

Янги қонуннинг 4-боби **"Васийлик ва ҳомийликни белгилаш. Васий ёки ҳомий тайинлаш"** деб номланиб, ушбу бобда васийлик ва ҳомийликни белгилаш, ота-она яшаш жойида вақтинча бўлмаганда васийлик ёки ҳомийлик белгилаш, васий ёки ҳомий тайинлаш, васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкин бўлмаган шахслар, дастлабки тарзда васий ёки ҳомий тайинлаш, шахсга бир нечта васий ёки ҳомий тайинлаш, бир шахсни бир нечта васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга васий ёки ҳомий этиб тайинлаш, вояга етмаганларга нисбатан уларнинг ота-онаси ёки вояга етмаганларнинг ўз аризасига кўра, васий ёки ҳомий тайинлаш ҳамда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ота-онаси бўлган вояга етмаганга васий ёки ҳомий тайинлаш каби меъёрлар ўз ифодасини топди.

Шу ўринда қонуннинг 19-моддасига эътибор қаратадиган бўлсак, унда васийлик ва ҳомийлик туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланиши, васийлик ёки ҳомийлик унинг белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг яшаш жойи бўйича, агар шахс муайян яшаш жойига эга бўлмаса, васий ёки ҳомийнинг яшаш жойи бўйича белгиланиши қайд этилган.

Ота-она яшаш жойида вақтинча бўлмаганда, агар бола улар томонидан олти ойдан ортиқ муддатга қариндошлари ёки бошқа яқин кишиларининг васийлиги ёки ҳомийлиги ва назорати остида қолдирилган бўлса, мазкур шахсларнинг болага нисбатан васийлиги ёки ҳомийлиги белгиланади. Ота-она яшаш жойида олти ойдан кам муддатга вақтинча бўлмаганда, башарти бола улар томонидан қариндошлари ёки бошқа яқин кишиларининг васийлиги ёки ҳомийлигида ва назорати остида қолдирилган бўлса, васийлик ёки ҳомийлик, агар бу боланинг манфаатлари учун зарур бўлса, белгиланади.

Васийлик ёки ҳомийлик бўйича мажбуриятларни бажариш учун туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан васий ёки ҳомий тайинланади. Вояга етган фуқаролар фақат ўз розилигига кўра, васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкин. Туман, шаҳар ҳокими васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахснинг ёзма аризасига мувофиқ васий ёки ҳомий тайинлайди.

Шунингдек, ушбу бобда васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкин бўлмаган шахслар доираси ҳам аниқлаштирилган. Унга кўра, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ёки ота-оналик ҳуқуқлари чекланган шахслар; суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар; собиқ фарзандликка олувчилар, агар фарзандликка олиш уларнинг ўз зиммасига юкланган мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги, ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганлиги, фарзандликка олинганларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганлиги, сурункали алкоголизм ёки гиёҳвандликка мубтало бўлганлиги оқибатида бекор қилинган бўлса; ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ёхуд ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилганлиги учун васий ёки ҳомий мажбуриятларини бажаришдан четлаштирилган шахслар ҳамда қасддан содир этган жинояти учун илгари ҳукм қилинган шахслар васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкин эмас.

Ушбу янги қонуннинг **"Васийлик ва ҳомийликни тугатиш. Васийнинг ва ҳомийнинг ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилиниши ҳамда четлаштирилиши"** деб номланган 5-бобида эса, васийлик ва ҳомийликни тугатиш асослари, васий ёки ҳомийнинг ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилиниши ва уларнинг ўз мажбуриятларини бажаришдан четлаштирилиши тартиби баён этилган.

Хусусан, қонуннинг 28-моддасида васийлик ва ҳомийликни тугатиш асослари ифодаланган бўлиб, унга кўра, васийлик васийликдаги шахс вафот этганда; вояга етмаган ўн тўрт ёшга тўлганда; вояга етмаган ота-онасига қайтарилганда; васийликдаги шахс фарзандликка олинганда; фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан тикланганда тугатилади.

Ҳомийлик эса, ҳомийликдаги шахс вафот этганда; вояга етганда; ота-онасига қайтарилганда; фарзандликка олинганда; фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинганда; вояга етмаган тўлиқ муомалага лаёқатли деб эълон қилинганда (эмансипация); ҳомийликдаги шахс никоҳга киргандa; соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг соғлиғи яхшиланганда тугатилади.

Таъкидлаш керакки, янги қонуннинг 8-боби **"Васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги назорат"** деб номланиб, унда васийлик ва ҳомийлик органлари фаолияти устидан назорат, васийлар ва ҳомийларнинг мажбуриятлари бажарилиши устидан назорат, васий ва ҳомийнинг ҳисоботи, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, туман, шаҳар ҳокимининг, васийлик ва ҳомийлик органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш, васий ва ҳомийнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилишга оид меъёрлар мустаҳкамланди.

Хусусан, янги қонуннинг 41-моддасида васийлик ва ҳомийлик органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан назоратни қонун ҳужжатларида ваколат берилган давлат органлари ва мансабдор шахслар амалга оширилиши назарда тутилган бўлса, 42-моддада васийлар ва ҳомийларнинг мажбуриятлари бажарилиши устидан назорат васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахслар ёхуд васийлар ёки ҳомийларнинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилиши ифодаланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қонун қабул қилингунга қадар айнан ушбу соҳасидаги муносабатлар турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиб келинаётган эди. Мазкур соҳадаги ягона базавий қонуннинг қабул қилиниши, ўз навбатида, миллий қонунчилигимизда васийлик ва ҳомийлик соҳадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий асос яратилганлигидан далолат беради.

Зафар РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Qonun ijodkorligi

Жиноятчиликка қарши курашиш

унинг замонавий усуллари қонунчилик асосида янада такомиллаштирилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этилган ушбу қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда атрофлича муҳокама қилинди.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, жамият ва давлатнинг иқтисодий негизига жиддий хавф солувчи жиноятларни тергов қилишда одам "ДНК" таҳлили алоҳида ўрин тутади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан бундай таҳлил имкониятларидан фойдаланиш ушбу турдаги жиноятларнинг ҳар қандай кўринишига қатъий чек қўйишнинг самарали воситаси бўлиб, бу фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги, жамият ва давлат манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Қайд этиш жоизки, "ДНК" таҳлилидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришнинг муҳим воситаси — айрим тоифадаги шахсларнинг, хусусан, шахсга қарши жиноят содир этишга мойиллиги бўлган шахслар "ДНК" профилларининг маълумотлар базаларини яратиш ҳисобланади. Шу ўринда дунё тажрибасига назар ташласак, тараққий этган давлатларда жиноятчиликка қарши курашда самарали восита ҳисобланган генетик ахборот маълумотлар базаси яратилгани ва изчил такомиллаштириб борилаётганини кўриш мумкин. Кейинги йилларда давлатлараро шартномалар доирасида ва Интерпол билан ҳамкорликда миллий маълумотлар базасини халқаро базаларга интеграциялаш бўйича ҳам фаол саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Ушбу масаланинг ҳал этилиши геном бўйича рўйхатга олиш масалаларини қонун билан тартибга солишни талаб қилади.

Айтиш керакки, геном бўйича рўйхатга олиш фуқаронинг шахсий сирини ташкил қилувчи генетик ахборот олишни кўзда тутади. Шу сабабли, ҳар бир демократик жамиятда геном бўйича рўйхатга олиш масаласи махсус қонун асосида ҳуқуқий тартибга солиниши ғоятда муҳимдир.

Ўзбекистонда геном бўйича рўйхатга олишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, геном бўйича рўйхатга олишни амалга ошириш принцип ва турларини белгилаш, геном бўйича рўйхатга олиш объектлари ва субъектларини аниқлаш, уни ўтказишга, биологик материал ва геном маълумотларини сақлаш ва ундан фойдаланишга қўйиладиган асосий талабларни белгилаш депутатлар томонидан биринчи ўқишда муҳокама этилган янги қонун лойиҳасининг асосий мақсади ҳисобланади. Айтиш керакки, ушбу қонун лойиҳаси асосан таниш имконияти мавжуд бўлмаган мурдаларнинг шахсини аниқлаш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қидириш, қариндошлик алоқаларини аниқлаш, геном маълумотларига эга биологик излар (объектлар) бўйича жиноятларнинг олдини олиш, очиш ва тергов қилиш масалаларини самарали ҳал этишга қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, тақдим этилаётган қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасида геном бўйича рўйхатга олишда юзага келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилади. Геном бўйича рўйхатга олишни ўтказиш доирасида барча шахси аниқланмаган мурдалар, жиноят содир этилган жойда топилган биологик излар, бедарак йўқолган шахслар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганликлари учун ҳукм этилган шахслар бўйича геном маълумотларнинг миллий маълумотлар базаси шакллантирилади.

Ушбу қонун лойиҳасини тайёрлашда Буюк Британия, Франция, Германия, Канада ва Россия каби мамлакатларнинг геном бўйича рўйхатга олиш тажрибаси ўрганиб чиқилди ва буни юртимизда ҳам татбиқ этиш мақсадга мувофиқлиги белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят содир этишга мойиллиги бўлган шахсларнинг геном бўйича рўйхатга олиниши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олиш, жиноятларни тез ва тўлиқ фош этиш ҳамда юртимиздаги криминоген вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Олимжон ЎСАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Jinoyat va jazo

Қинғир ишнинг қийиғи

тез орада фош бўлди

Мамлакатимизда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, улар ўзларининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, бир сўз билан айтганда, барча ҳуқуқларидан кенг фойдаланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Албатта, бундай ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш чоғида расмий ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар муҳим ўрин тутади.

Шу боисдан ҳам бирон-бир маълумотни тасдиқловчи, бирон ҳуқуқ ёки мажбуриятларни белгиловчи ёхуд улардан озод этувчи ҳужжат, штамп, муҳр ва бланкалардан фойдаланишнинг муайян тартиб-қоидалари ҳам ўрнатилган. Бироқ ҳаётда ўзининг ғараз ниятини амалга ошириш йўлида ҳужжат, муҳр, штамп ва бланкаларни қалбакилаштиришга уринадиган кимсаларнинг ҳам учраб туриши ғоятда ачинарлидир. Албатта, бундай кимсаларнинг қилмиши эртами-кечми, албатта, фош бўлади. Зеро, халқимиз қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам ошкор бўлади, деб бежизга айтмаган. Келинг, мулоҳазамизни ҳаётий мисол ёрдамида давом эттирайлик. Сирдарёлик Шоҳруҳ Шокиров иқтисодчи бўлиш орзусида эди. Бироқ у бу эзгу ният йўлида ўқиб-изланиш ўрнига қимматли вақтини ўйин-кулги билан беҳуда ўтказаверди. Шундай бўлса-да, таваккал қилиб, нуфузли ўқув юртларидан бири ҳужжатларини топширди. Тест синови ўтказилишига бир неча кун қолганида имтиҳонга мутлақо тайёргарлик кўрмаган Шоҳруҳ таҳликага тушади ва ўзича ўқишга кириш учун "чора" излай бошлайди. Кутилмаганда эски таниши Адҳам Дадаев ёдига тушиб, у ўзида йўқ қувониб кетади.

Шундан сўнг Шоҳруҳ Адҳамга қўнғироқ қилади ва салом-аликдан сўнг муддаога кўчади:

— Адҳам ака, менинг ўрнимга имтиҳонга кириб чиқсангиз яхши бўларди...

А.Дадаев Шоҳруҳнинг раъйини қайтаролмай, унинг ўрнига имтиҳон топширишга рози бўлади. Шу тариқа тест синови ўтказиладиган куни ҳамтовоқлар барвақт учрашишади. Аввалдан келишилганидек, Ш.Шокиров фуқаролик паспорти йўқолганлиги тўғрисидаги маълумотномани ва имтиҳонга кириш учун рухсатномасини А.Дадаевнинг қўлига тутқазади. Адҳам ҳар икки расмий ҳужжатдаги Шокирнинг фотосурати ўрнига ўзининг айнан шу ҳажмдаги расмини жойлаштиради. А.Дадаев белгиланган хонага кириб, тест саволларини ечишга киришади. Орадан бироз вақт ўтгач, синов назоратчиларидан бири А.Дадаевнинг ҳужжатларини кўздан кечираги. Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, ҳар икки ҳужжатдаги қалбакилик Адҳамнинг айбини фош қилади. Буни ўз вақтида пайқаган назоратчи дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларига маълум қилади.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар суди томонидан Ш.Шокиров ва А.Дадаевнинг жиноят иши кўриб чиқилди ҳамда ҳар икки судланувчи Жиноят кодексининг 228-моддаси 2-қисми "б" банди ва мазкур модданинг 3-қисми билан айбдор, деб топилди. Уларга нисбатан ҳар ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Maslahat

Риэлторлик қандай фаолият?

Риэлторлик фаолияти бу — юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолиятидир.

Мамлакатимизда "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, бу фаолиятни лицензиялаш бўйича, 2011 йилнинг 10 майида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан "Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида" Низом тасдиқланган.

Бундан ташқари Фуқаролик кодексининг 40-моддасида, риэлторлик ташкилоти қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши ва ўз фаолиятини амалга ошириши белгилаб қўйилган.

Айтиш керакки, риэлторга лицензия кўчмас мулк бозорида фақат ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш учун берилади ҳамда риэлтор ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш полисига эга бўлиши қонунда белгиланган.

"Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасига кўра, риэлторлик ташкилоти бу лицензияга эга бўлган тижорат ташкилоти ҳисобланади.

Қонуннинг III бобида риэлторлик ташкилотлари, риэлторлар ҳамда буюртмачиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз ифодасини топган. Унга кўра, риэлторлик ташкилоти ва риэлтор ўз ваколати доирасида риэлторлик хизматлари кўрсатиши; ўз риэлторлик хизматларини ва буюртмачининг кўчмас мулк объектларини реклама қилиши; риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномаси шартлари буюртмачи томонидан бажарилмаган тақдирда шартноманинг бекор қилинишини талаб этиши; давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан риэлторлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур ахборотни белгиланган тартибда олиш ҳуқуқларига эга эканлиги белгиланган.

Илҳомжон САЛОМОВ,
Навоий шаҳар 2-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

Хавфсизлик кафолати

Шу ўринда иккинчи мисолга эътибор қаратсак, И.Собиров ўтган йилнинг 12 декабрь куни ўзининг "ВАЗ-21073" русумли енгил автомашинасини "Дўстлик" тумани ҳудудида бошқариб бораётганида вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан тўхтатилиб, текширилади. Текшириш чоғида И.Собировнинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжати йўқлиги маълум бўлди. Устига-устак унинг Йўл ҳаракати қоидаларининг 3.6-бандида кўрсатилган талабни бузгани, яъни маст ҳолда автомашина бошқариб бораётгани аниқланди.

Ҳуқуқбузарнинг маст ҳолатда автомашина бошқаргани 2013 йил 12 декабрдаги 189-сонли тиббий маълумотнома ҳамда бошқа далиллар билан тўлиқ исботланди. Оилали, икки нафар вояга етмаган фарзаднинг отаси, ўттиз икки ёшли бу йигитнинг маст ҳолда автомашина бошқариши ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам жуда қимматга тушиши мумкин эди. Ахир, халқимиз кўза кунда эмас, кунида синади, деб бежизга айтмаган.

Ҳуқуқбузар И.Собировнинг ҳаракатлари суриштирув идораси томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддаси 2-қисми билан тўғри малакаланган. Суд ҳуқуқбузарга маъмурий жазо тайинлашда унинг муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаганини енгиллаштирувчи ҳолат, спиртли ичимлик таъсирида маст ҳолда автомашинани бошқарганини оғирлаштирувчи ҳолат деб топди ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддаси 2-қисмига мувофиқ жарима жазоси қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, деган тўхтамга келди. Шу тариқа ҳуқуқбузар И.Собировга етти сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

Хулоса ўрнида айтганда, амалдаги йўл ҳаракати қоидалари талабларига қатъий амал қилиш ҳаётимиз, соғлиғимиз ва хавфсизлигимизнинг мустаҳкам кафолати эканлигини ҳеч қачон унутмайлик.

Маҳбуба АБДАЗОВА,
жиноят ишлари бўйича Мирзачўл тумани судининг раиси

Fuqarolik qonunchiligi

Ижтимоий ҳимоя тизими

фуқаролар манфаатини таъминлашга хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Қонунчилигимизда пенсиялар, нафақалар ва бошқа ижтимоий ёрдам турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги қайд этилган.

Шу билан бирга фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизими тўғрисидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, пенсионерлар ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий адолат принципларини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар рўёбга чиқарилмоқда.

Молия вазирлиги ҳузурида Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ташкил қилингани фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари кафолатларини янада мустаҳкамланишига замин яратди.

Бугунги кунда фуқароларга тайинланаётган пенсиялар "Фуқароларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом билан тартибга солинади.

"Фуқароларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасига асосан ёшга доир пенсиялар эркаклар 60 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 25 йил бўлганда: аёллар 55 ёшда, иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда тайинланади.

"Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомда айрим масалаларнинг суд ҳужжатлари асосида ҳал этилиши кўрсатилган. Жумладан, Низомнинг 56-бандида иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, меҳнат фаолияти даврлари суднинг қарори билан белгиланиши кўрсатилган. Низомнинг 58-бандида назарда тутилгандан бошқа сабаблар бўйича архив маълумотларининг мавжуд эмаслиги муносабати билан иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда ва уларни олиш имкони бўлмаганда иш стажи суд тартибида белгиланади.

Ҳозирги кунда пенсия таъминоти масаласида келиб чиқадиган ва бевосита қонун ҳужжатлари бўйича суд томонидан ҳал этилиши белгилаб қўйилган масалалар бўйича фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро суди томонидан бир қатор аризалар кўриб чиқилиб, қонуний ечимини топмоқда.

Масалан аризачи Равшан Шодиевич Раҳмонов судга ариза билан мурожаат қилиб, унда у собиқ "Ибн Сино" номли ширкат хўжалигида ишчи сифатида 1961 йилдан 1980 йилга қадар ишлаганини, лекин бу давр унинг иш стажига қўшилмаганини билдирган. Бу ҳақда Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мурожаат қилганида шу йилларда фамилияси "Шодиев" бўлганлиги учун ушбу йиллар унинг иш стажига қўшилмагани маълум қилинган. Ҳақиқатан ҳам, ўша ҳужжатларда Р.Раҳмоновнинг исм-шарифи "Р.Шодиев" деб кўрсатилган. Шу сабабли у ҳужжатлардаги ёзувларни Равшан Раҳмоновга тегишли эканлиги ҳақидаги юридик аҳамиятга эга бўлган фактни тасдиқлашни сўраб, судга мурожаат қилган. Суднинг ҳал қилув қарори билан аризачининг талаблари қаноатлантирилди.

Хулоса қилиб айтганда, судлар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, чунончи ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи тўлиқ таъминланмоқдаки, бу ўз навбатида, турмушимиз фаровонлиги ва ободлигини янада юксалтиришнинг муҳим омилларидан биридир.

Б.ЖУМАЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг судьяси

G'aroyib olam

Маълумки, табиатда оддий тошлар билан бирга ноёб ва қимматбаҳо тошлар ҳам учрайдики, улардан заргарлик соҳасида қадимдан фойдаланиб келинган.

Биз билган ва билмаган дунё

Айтиш керакки, қимматбаҳо тош бу — камёб, табиий минерал модда бўлиб, у ўзининг гўзаллиги ва юқори даражадаги мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Табиатда тошнинг тўрт мингдан зиёд тури мавжуд бўлса, уларнинг атиги 20га яқини қимматбаҳо ҳисобланади.

Қимматбаҳо тошлар табиатига кўра, органик ва ноорганик турга бўлинади. Ноорганик қимматбаҳо тошлар бу — табиий келиб чиқишга эга бўлган мустаҳкам минераллар бўлиб, қимматбаҳо тошларнинг аксарияти ноорганик минераллар ҳосиласидир.

Органик қимматбаҳо тошлар жониворлар ёки ўсимликларнинг чиринди ва қолдиқларидан пайдо бўлади. Масалан, ана шундай қимматбаҳо деб эътироф этиладиган янтарни олиб қарайдиган бўлсак, у тошга айланган тахта елимидан ҳосил бўлади. Маржон эса, моллюскалар чиғаноғида пишиб етилади. Шунингдек, органик қимматбаҳо тошлар қаторига коралл, агат ва тошбақа косаси ҳам киради.

Ҳар бир қимматбаҳо тошнинг нархи аввало унинг ўзига хос хусусияти, қайта ишланиши ва мустаҳкамлиги каби турли омилларга боғлиқ бўлади. Масалан, қимматбаҳо тош табиатда қанчалик кам учраса, унинг нархи ҳам шунчалик юқори бўлади. Қимматбаҳо тошларни ўрганувчи фан гемма-логия деб аталади.

Қадимда одамлар қимматбаҳо тошларни ёмон кўздан сақловчи, куч-қувват бағишловчи, омад келтирувчи восита сифатида қадрлаб келган. Масалан, қадимги Мисрда лазурит ёки сердолик тошларидан ясалган қўнғиз руҳ барҳаётлигини англатувчи тимсол ҳисобланган. Қимматбаҳо тошларга ўйилган тамғалар эса, шахсий имзо вазифасини бажарган. Бундан ташқари қадимги Рим тарихи ҳақидаги маълумотларнинг асосий қисми қимматбаҳо тошларга ўйиб битилган.

Эрамиздан аввалги 300 йиллардаёқ илк бор камеялар, яъни тошга бўртириб туширилган тасвирлар пайдо бўлган.

Бундан ташқари Шарқ мамлакатлари асрлар давомида ўзининг қимматбаҳо тошлари билан бутун дунё эътиборини тортиб келган. Масалан, табиатдаги энг қимматбаҳо тош — олмос инсониятга милоддан аввалги VIII-VII асрлардаёқ маълум бўлган. Дастлаб олмос Ҳиндистонда топилган. Кейинчалик Бразилия, Жанубий Африкада қазиб олина бошланган ва 1866 йил олмос саноатининг бошланиши деб ҳисобланади. Шу вақтдан буён Африка мамлакатлари олмос қазиб олинадиган асосий минтақа бўлиб келмоқда. Шунингдек, бу ўлка ёқут, сапфир ва бошқа қимматбаҳо тошлар маконига бой мамлакат ҳисобланади. Шри-Ланкада олмосдан ташқари деярли барча қимматбаҳо тошлар ишлаб чиқарилади. Шунинг учун ҳам бу ўлкани қимматбаҳо тошлар ороли деб атайдилар. Дунёдаги энг сифатли ёқут эса, Мьянмада қазиб олинади.

Афғонистон ҳудудида юқори сифатли лазурит, Эронда эса, дунёдаги энг гўзал феруза тош қазиб олинади. Узоқ вақт давомида Қизил денгиздаги Забардоғи ороли хризолит қазиб олинадиган дунёдаги ягона мамлакат ҳисобланган. Энг сифатли Опал тоши эса, Австралияда қазиб олинади. Япония маржон етиштириш бўйича дунёда етакчилик қилади. Бу мамлакатда шунингдек, коралл, тоғ хрустали ва аметист тошлари ҳам қазиб чиқарилади. Европа ҳам турли қимматбаҳо тошлар манбаи бўлиб, жумладан, Болтиқбўйи ҳудудида янтар, Венгрияда опал, Италияда коралл, Швецарияда тоғ хрустали, Украинада топаз ва берилл конлари мавжуд. Дунёдаги энг қимматбаҳо зумрад тоши эса, Колумбияда ишлаб чиқарилади.

Қимматбаҳо тошлар инсоннинг нафақат моддий муҳитини гўзаллаштиришга, эстетик бойитишга хизмат қилади, балки ўзининг кўриниши, тузилиши, хусусиятлари билан инсоннинг руҳий ҳолати, кайфияти ва ҳатто саломатлигига ҳам таъсир кўрсатади. Айни пайтда тиббиётнинг бу йўналиши литотерапия деб аталади. Жумладан, зумрад, сапфир ва маржон тутқаноқ, қанд касаллиги ва юқори қон босимига қарши курашда қўлланилган. Олмос ва топаз эса, қадимда шамоллаш, сариқ касаллиги, жигар шиши, қайт қилиш каби хасталикларга даъво сифатида ишлатилган. Тушкунлик, уйқусизлик, ҳолсизлик каби хасталиклар билан курашиш учун ёқут ёки олмосдан фойдаланилган. Жигар касалликларида маржон қўшилган қайнатма, кам қонликда эса, маржон талқони қўшилган сут яхши самара берган. Буйрак шаклида бўлган нефритнинг майда тошлари эса, буйракни даволаш хусусиятига эга.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

"BUXORO SAVDO ZAMIN"

масъулияти чекланган жамияти "Очиқ танлов" савдоларига таклиф этади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро шаҳар ҳокимининг 2013 йил 7 декабрдаги 1875-сонли, 10 декабрдаги 1904-сонли, 1907-сонли ва 2014 йил 10 январдаги қарорларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда.

1. Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси ёқасидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси учун 1632 кв.м.дан иборат ер участкаси. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 1152322 сўм.

2. Бухоро шаҳар К.Муртазоев кўчаси ёқасидан кўп қаватли турар жой биноси ҳамда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси учун 800.0 кв.м.дан иборат ер участкаси. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 564864 сўм.

3. Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси ёқасидан кўп қаватли турар жой биноси мажмуаси қуриш учун 360.0 кв.м.дан иборат ер участкаси. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 254188 сўм.

4. Бухоро шаҳар Когон шоссеси ва "Саноатчилар" кўчаси кесишмасидан қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун ҳар бири 160.0 кв.м.дан иборат 3 (уч) та ер участкаси. Ер учаткасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 135568 сўм.

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун ҳар бири 184.0 кв.м.дан иборат 3 (уч) та ер участкаси. Ер учаткасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 155903 сўм.

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун ҳар бири 140.0 кв.м.дан иборат 1 (бир) та ер участкаси. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 118622 сўм.

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун ҳар бири 560.0 кв.м.дан иборат 1 (бир) та ер участкаси. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 474488 сўм.

Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун ҳар бири 186.0 кв.м.дан иборат 1 (бир) та ер участкаси. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 157598 сўм.

Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун ҳар бири 170.0 кв.м.дан иборат 6 (олти) та ер участкаси. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 144041 сўм.

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун ҳар бири 120.0 кв.м.дан иборат 6 (олти) та ер участкаси. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 101676 сўм.

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун ҳар бири 280.0 кв.м.дан иборат 1 (бир) та ер участкаси. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 237244 сўм.

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун ҳар бири 180.0 кв.м.дан иборат 2 (икки) та ер участкаси. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 152514 сўм.

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун ҳар бири 187.0 кв.м.дан иборат 1 (бир) та ер участкаси. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 158445 сўм.

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун ҳар бири 260.0 кв.м.дан иборат 1 (бир) та ер участкаси. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 220298 сўм.

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун ҳар бири 154.0 кв.м.дан иборат 1 (бир) та ер участкаси. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 130484 сўм.

Талабгорлар диққатига!

Танловда қатнашиш натижасида унга бўлган ҳуқуқ эгалланган ер участкасига нисбатан танлов ғолиби томонидан қабул қилинадиган бошланғич мажбуриятлар Бухоро шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан берилади. Танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисидаги шартнома шартларини 12 ой ой муддат ичида бажариши шарт.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш хабар матбуотда эълон қилинган кундан (якшанбадан ташқари) бошланади ва 2014 йил 17 февраль 18^{00} да тўхтатилади.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлар "Танлов ташкилотчиси" "BUXORO SAVDO ZAMIN" масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро вилояти Инфинбанк филиалидаги МФО 01107, СТИР 302699204, ОКОНХ 83230, 20208000400254692001 ҳисоб рақамига буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 % (фоиз)дан кам бўлмаган миқдоридаги закалат пулларини тўлаши шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида 2014 йил 18 февраль куни соат 11^{00} да очилади. 2014 йил 18 февраль куни соат 16^{00}да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2014 йил 18 февралдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2014 йил 25 феврал ва 4,11 март кунлари соат 11^{00}да бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш танловдан бир кун олдин соат 18^{00}да тўхтатилади. Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида савдо куни соат 11^{00}да очилади ва шу куни соат 16^{00}да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар-давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, танловда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар-паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатдан нусха;
- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Афросиёб кўчаси, 106-уй. Телефон: (99895) 600-55-91.

Лицензия RR-0034

Jinoyat va jazo

Қинғир ишнинг қийиғи

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Айтиш жоизки, айрим ҳолларда ҳужжатлар, муҳрлар, штамплар ва бланкаларни қалбакилаштиришга қўл урган кимсалар улар ёрдамида бошқа жиноятларни ҳам содир этади. Масалан, Баҳром Маҳмудов ўзи учун сохта гувоҳнома тайёрлайди ва шу йўл билан мўмай даромад орттириш режасини тузади. У дастлаб таниши Ф.Ғаниевга сохта гувоҳномасини кўрсатиб, нуфузли идорага ишга жойлашганини айтади. Гап орасида бу идорага ишга кирмоқчи бўлганларга ёрдам беришини ҳам қистириб ўтади. Б.Маҳмудовнинг алдовларига лаққа ишонган Ф.Ғаниев ишга жойлашишнинг йўл-йўриқларини суриштира бошлайди.

— Сен қадрдон дўстимсан, арзимас харажат қилсанг бўлгани, ишга кирдим, деявер. Фақат зарур ҳужжатларни тезроқ тайёрлашинг керак...

Ф.Ғаниев эртаси куниёқ Баҳром айтган харажат, яъни 2 миллион 500 минг сўм миқдоридаги пулни олиб келади ва зарур ҳужжатларни тайёрлашга киришади. Бу орада Б.Маҳмудов ўзи тайёрлаган сохта гувоҳнома ёрдамида яна бир гуруҳ кишиларнинг ишончига кириб, "ишга жойлаштириб қўйиш"ни ваъда қилади. Товламачининг алдовларига ишонган Б.Мадраҳимов унга 4 миллион сўм пулни қўшқўллаб топширган бўлса, Ҳ.Ҳакимов 11 миллион 900 минг сўм миқдоридаги пулни санаб беради. Нафси ҳакалак отган Б.Маҳмудов булар билан ҳам кифояланиб қолмасдан, яна бир таниши У.Абдураҳмоновнинг 800 АҚШ долларини алдов билан қўлга киритади.

Шундан сўнг телефон рақамини бир неча марта ўзгартирган Б.Маҳмудов уларга чап беришга нечоғлик уринмасин, жиноий жавобгарликдан қутулиб қололмади. Суд Б.Маҳмудовни Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми "б" банди, 28, 211-моддаси 2-қисмининг "а" банди, 228-моддаси 2-қисми "а" банди ва мазкур модданинг 3-қисми билан айбдор, деб топди ва унга нисбатан тегишли тайинлади.

Албатта, ҳар икки мисолдан шуни англаш мумкинки, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш жамиятда ўрнатилган ижтимоий муносабатларга путур етказиши баробарида жиноятчиликнинг урчишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шу боисдан ҳам қалбакилик, сохталик эвазига мулкий наф кўришга уриниш кишини охир-оқибат афсус-надомат чекишга маҳкум этишини ҳеч қачон унутмайлик.

Умиджон РАСУЛБЕРДИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг раиси ўринбосари
Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
«Куч — адолатда» мухбири

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бўритош МУСТАФОЕВ
Шоюнус ГАЗИЕВ
Қўчқор ТОҒАЕВ
Русланбек ДАВЛЕТОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Икром МУСЛИМОВ
Ғайрат ҲИДОЯТОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-125. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 9848.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20^{30}. Топширилди: 21^{00}